

УДК: 336

*Гадоев Сўҳроб Жумакулович*

Термиз давлат университети

Молия кафедраси мудири

suhrob.gadoev.81@mail.ru

ORCID: 0000-0003-4822-8904

## КРЕДИТ РИСКНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада кредит рискни баҳолаш ва бошқариш кредит механизмининг муҳим элементларидан бири бўлганлиги сабабли ушбу элементни алоҳида тадқиқ қилишни мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик. Илмий изланишимиз орқали кредит рискни баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кредит, кредит рискни, захира, рискларни бошқариш, тўловга қобилиятсизлик, муддати ўтган кредитлар.

### **Кириш**

Мустақил фаолият юрутувчи ҳар бир тижорат банклари иқтисодий фаолиятида вужудга келадиган рискларни баҳолаши ва бошқариши лозим. Кўпгина банк рисклари ўртасида кредит рискни алоҳида ўрни мавжуд.

Кредит рискни қарз олувчи томонидан кредит шартномасида кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаслик, яъни кредит суммасини қисман ёки тўлиқ ва кредит бўйича фоизларни ўз вақтида тўламаслик тушинилади. Кредитни қайтармаслик натижасида банк капиталининг камайишига ва пул маблағлар дефицитини вужудга келтиради. Кредитларнинг қайтмаслиги кўламнинг юқорилаши банкларни банкрот ҳолатига келтириши мумкин. Муаммоли кредитларнинг миқдори банкнинг хусусий капиталидан юқори бўлган тақдирда банклар тўловга қобилиятсиз бўлади. Ўз навбатида, активлар миқдори мажбуриятда кам бўлганда уларни тўлаш имконсиз бўлиб қолади. Бунинг натижасида нафақат банк таъсисчилари, балки кўп ҳолларда ҳисобварақлар орқали ҳисобкитоблар амалга ошириш имкони бўлмагани туфайли банк миждозлари бўлган омонатчи жисмоний ва юридик шахслар жабр чекадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1].

Ўз навбатида, банк фаолиятидаги рискларни бошқариш қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутиши лозим:

– банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;

– банк рискларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш;

– банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Кредит ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, кредитларнинг рискни баҳолаш ва бошқариш амалиёти ҳисобланади. Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрига кўра, кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, улар орасида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим ўрин эгаллайди [2]. Проф. Н.Э. Соколинскаянинг хулосасига кўра, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш,

кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади [3]. С. Вайн ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлар бўйича ташкил этиладиган захираларнинг даражасини муҳим ўрин тутишини эътироф этган [4]. Проф. В.М.Усоскиннинг фикрига кўра, талаб қилиб олинadиган депозитлардан кредит ресурси сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади [5]. Г.С.Панованинг фикрига кўра, банкларнинг кредитлар бериш имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасини етарлилигини таъминлаш лозим. Бунда тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан, Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда, лимитлар жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади [6].

Ш.Абдуллаеванинг хулосасига кўра, кредит портфелини ресурсларнинг манбалари бўйича диверсификациялаш натижаларига кўра, баъзи тижорат банкларининг кредит портфели диверсификацияланган кредитлар салмоғининг юқорилигини ҳисобга олиш лозим ва шу кредитлар бўйича банкларга енгилликлар бериш, баъзи ҳолларда улардан олинган даромадни солиқдан озод қилиш каби чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлар эди [7].

Ҳақиқатдан ҳам, республикада йирик тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация даражаси паст. Бу эса, уларнинг фаолиятини кредит рискинни самарали бошқариш имконини бермайди.

О.Саттаровнинг хулосасига кўра, тижорат банклари ликвидлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш орқали банк тизими барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– Марказий банк томонидан тижорат банклари учун улар ликвидлигини қисқа муддатда ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида, қайта молиялаштириш кредитларини ажратиш;

– оператив ликвидлик кредитларини жорий этиш ва унинг талаблари сифатида дастаб, 90 кун муддатга ҳамда қайта молиялаштириш ставкасида 2 фоизли пунктга юқори бўлган фиксирланган ставкада кредитлар ажратиш механизминини жорий этиш;

– банклараро кредит ресурслари бозори ишлаш механизминини такомиллаштириш. Бунда Марказий банк томонидан маҳаллий тижорат банкларидан камида учтасига ресурс ажратиши ҳамда улар орқали қисқа муддатли молиявий қийинчиликни бошдан кечираётган банклар учун улар ликвидлигини тиклаш мақсадида йўналтириш;

– қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, энг аввало, давлат облигацияларини чиқариш ва банкларнинг улар олди-сотдисида фаол иштирокчисига айлантириш [8].

О.Саттаровнинг ушбу хулосаси Марказий банкнинг кредит механизминини такомиллаштиришга бағишланган. Ҳақиқатдан ҳам, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишини амалга оширишда кредит рискинни баҳолаш ва бошқариш кредит механизми амалиётини такомиллаштиришда иқтисодчи-олимларнинг илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, статистик таҳлил усулларида ҳамда муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса қилинди ва таклифлар берилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Европа иттифоқи мамлакатларида, шу жумладан Германия ва Францияда кредит рискинни баҳолаш бўйича Базель кўмитаси томонидан Базель-II стандартида тавсия этилган стандартлашган ёндашув банк амалиётига қабул қилинган. Ушбу ёндашувда кредит рискиннинг даражаси кредит олувчининг кредит рейтинига боғлиқ равишда белгиланади.

## 1-жадвал

**Базель-II стандартига тавсия этилган кредит рискни баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашувда кредит рискни баҳолаш тартиби**

Рейтинг	Рискка тортиш коэффициентлари (%)			
	Давлат ва Марказий банклар	Кредит ташкилотлари (1-вариант)	Кредит ташкилот (1-вариант) (қисқа муддатли талаблар)	Юридик шахс
AAA дан А гача	0	20	20 (20)	20
A+ дан А – гача	20	50	50 (20)	50
BBB + дан BBB – гача	50	100	50 (20)	100
BB + дан BB – гача	100	100	100 (50)	100
B + дан B – гача	100	100	100 (50)	150
B – паст	150	150	150 (150)	150
Рейтингсиз	100	100	50 (20)	100

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, кредит олувчининг суверен кредит рейтинги қанчалик юқори бўлса, унга берилган кредитнинг риск даражаси шунчалик паст бўлади. Масалан, суверен кредит рейтинги AAA дан AA гача бўлган давлатларнинг ҳукуматларига ва Марказий банкларига берилган кредит риск даражаси нолга тенг, мазкур давлатлардаги кредит ташкилоларига берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга, юридик шахсларга берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга тенг.

1-жадвал маълумотларидан аниқ кўринадикки, суверен кредит рейтинги B– дан паст бўлган давлатларнинг Ҳукуматларига, Марказий банкларига, кредит ташкилотларига ва юридик шахсларига берилган кредитларнинг риск даражаси 150 фоизга тенг.

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳосига эга бўлмаган банк мижозларига берилган кредитларнинг риск даражаси 100 фоизга тенг.

Базель-II да активларни рискка тортилган суммаси (RWA) таркиби ўзгаради ва ушбу таркиб қуйидагича аниқланади:

$$RWA=CRWA+OR+MP$$

Бу ерда:

CRWA-активларни кредит рискка тортилган суммаси

OR- операцион риск

MR-бозор rischi

Базель-II кредит рискни ўлчаш бўйича уч ёндашувни таклиф этади:

-стандартлашган ёндашув;

-ички рейтингларга асосланган базавий ёндашув (IRB-Internal rating-based approach);

- ички рейтингларга асосланган такомиллашган ёндашув.

Базель-II стандартида кредит рискни баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

– мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;

– банкнинг рейтинги;

– кредит олган мижознинг рейтинги;

– банк операциясининг тури.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан

ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда кредитлардан қўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажатига олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражасининг пасайишига хизмат қилади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150% даражасида рискка тортилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари суммасининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффициенти пасаяди. Учинчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари миқдорининг камайишига ва шунинг асосида унинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига олиб келади.

Муддати ўтган кредитларнинг риск даражасини ошиши натижасида тижорат банкларининг капитал базаси ва уларнинг ликвидлигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирга барҳам бериш учун Марказий банк томонидан тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларига нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилиши ва кучайтирилиши лозим.

Тижорат банкининг кредит рискларини бошқариш тизимини ўрганиш методологиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- кредит рискни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида банк бўлинмаларининг ўзаро муносабатлари ва масъулиятини аниқлаш;
- кредит рискларини бошқариш тизимида бошқарув тартиб-қоидаларининг сифатини баҳолаш;
- банк фаолиятида юзага келадиган кредит рискларини аниқлаш ва тузилмалаш;
- кредит рискни бошқариш чоралари самарадорлигини баҳолаш.

Кредит рискни бошқаришни ташкил этишни таҳлил қилиш блоки асосан таркибий бўлинмалар фаолиятини, жараёнларни, қоидаларни, тартибларни, иш жараёнини сифатли таҳлил қилишга асосланади. Ушбу мақсадлар учун лингвистик ўзгарувчилардан фойдаланган ҳолда эксперт баҳолаш усули қўлланилади.


Ушбу таҳлил чизиғи энг машаққатли ҳисобланади. Шу билан бирга, кредит таваккалчилигини бошқариш соҳасидаги қатор камчилик ва муаммоларни аниқлаш имконини беради. Буларга рискларни бошқариш тизимидаги муносабатларнинг бузилиши, ваколат ва мажбуриятларнинг номувофиқлиги, муаммоларнинг мураккаблигига мос келмайдиган жараёнлар ва тартибларнинг такрорланиши ва расмийлаштирилиши даражаси, етарлича асосланмаганлиги, бошқарув қарорларининг реаллик ва изчиллик даражаси, кредит рискларини камайтириш учун замонавий оптималлаштириш усуллари ва воситаларини қўллаш ва бошқалар. .

Тижорат банкининг кредит рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш блокига қуйидагилар кириди:

- банкнинг кредит фаолиятининг умумий тавсифи ва унинг рейтинг позициялари;
- кредит rischi омилларини таҳлил қилиш;
- банкнинг кредит портфелини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- индивидуал банк кредитларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Адабиётларда ва расмий қўлланмаларда банк кредит рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларига катта эътибор берилади.


Кредит рискни баҳолаш кўрсаткичлари орасида банкнинг кредит фаоллиги даражасини баҳолаш, кредит сиёсатининг "тажовузкор эҳтиёткорлиги" коэффициенти, кредит портфелининг прогноз қилинадиган риск коэффициенти, коэффициентдан фойдаланиш тавсия этилади. банкни кредит таваккалчилигидан ҳимоя қилиш, муаммоли кредитларни қоплашнинг турли коэффициентлари, муддати ўтган қарзларнинг ўз маблағларига нисбати ва бошқалар.



**1-расм. Дойчебанк ва Парибас банкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси, фоизда<sup>1</sup>**

1-расм маълумотларидан кўринадики, Дойчебанкда 2017-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси жула паст бўлган. Фақат, 2020 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2019 йилга нисбатан сезиларсиз даражада (0,2 ф.п.) ошган. Мазкур ҳолатлар кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. 1-расм маълумотларидан аниқ кўриш мумкинки, Парибас банкда 2017-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси жула паст ва барқарор бўлган. Бу эса, кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Дойчебанк ва Парибас банкда таҳлил қилинган давр мобайнида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг жуда паст ва барқарор даражада бўлганлиги таснифланган кредитларнинг оптимал таркибини шакллантирилганлигидан далолат беради.



**2-расм. Нурбанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси, фоизда<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан Дойчебанк ва Парибас банкнинг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Расм муаллиф томонидан Нурбанкнинг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

2-расм маълумотларидан яққол кўриш мумкинки, Нурбанкда 2017-2019 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуктаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, 2019-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган.

2-жадвал

**АҚШ банк амалиётида ссудаларни бериш бўйича ваколатлар<sup>1</sup>**

Ссудалар лимити	Таъминланган ссудалар	Таъминланмаган ссудалар ва овердрафтлар	Инсайдерларга бериладиган ссудалар	Банк ходимларига бериладиган ссудалар
Ссудаларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган юқори лимити	Банкнинг ссуда кўмитаси	Банкнинг ссуда кўмитаси		
5 млн. АҚШ доллари	Минтақавий ссуда кўмитаси ва иккита минтақавий президент	Минтақавий ссуда кўмитаси ва иккита минтақавий президент	Банкнинг Директорлари кенгаши	Ижро кўмитаси
2 млн. АҚШ доллари	Минтақавий ссуда кўмиталар	Минтақавий ссуда кўмиталар		
500 минг АҚШ доллари	Минтақавий президентлар	Минтақавий президентлар		
250 минг АҚШ доллари	Кредит инспекторлари	Кредит инспекторлари		

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ссуда суммаси кўпайиб бориши билан минтақавий президентлари ваколат доираси торайиб, ссуда кўмиталарининг ваколат доираси кенгайди. Суммаси 5 млню АҚШ долларига тенг бўлган ссудалар бериш тўғрисидаги қарор минтақавий ссуда кўмиталари томонидан қабул қилинади. Суммаси 250 минг АҚШ доллари бўлган ссудалари бериш масаласини кредит инспекторлари ҳал қилади.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, инсайдерларга ссудалар бериш масаласи банкнинг директорлар кенгаши томонидан қабул қилинади. Бунинг сабаби шундаки, Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган самарали банк назоратлари принциплари кўра, тижорат банки инсайдерларга имтиёзли шартлар асосида кредитлар беришга ҳақли эмас. Шунинг учун директорлар кенгаши инсайдерларга бериладиган ҳар қандай суммадаги кредитларни назорат қилишга мажбур.

Агрессив кредит сиёсатининг асосий мақсади юқори даражадаги таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда мос равишда максимал даромад олишдир. Юқори хавфли кредитлар бўйича фоиз ставкаси, сиз билганингиздек, ҳар доим ўртача фоиз ставкаларидан юқори. Танланган кредит сиёсатига мувофиқ кредит портфели учун кредит рискининг максимал даражаси белгиланади. Агрессив сиёсат учун максимал хавф қиймати 13,5% ни ташкил қилади. Кредит портфели рисқи 13,5% бўлган тақдирда кредит портфели шундай тузилишга эга бўлади: умумий ҳажмнинг 42% узоқ муддатли кредитлар ва 58% қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бўлади.

<sup>1</sup> Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 258

## 3- жадвал

**Кредит портфелининг таркибини ҳисоблаш натижалари**

Кредит сиёсати шакли	Рискнинг йўл қўйиши мумкин бўлган энг юқори даражаси, %	Кредит портфели структураси, %		Даромадлилик даражаси, %
		Узоқ муддатли кредитлар	Қисқа муддатли кредитлар	
Агрессив	13,5	42	58	28,4
Оқилона	7	65	35	24,5
Консерватив	5,4	7	93	19,4

Консерватив кредит сиёсати (максимал риск 5,4%) билан банкнинг кредит портфели куйидаги тузилма билан оптимал бўлади: 93% - қисқа муддатли ва ўрта муддатли кредитлар ва фақат 7% - узоқ муддатли кредитлар. Максимал риск қийматида кредит портфелининг максимал рентабеллиги 19,4% ни ташкил қилади. Оқилона кредит сиёсатининг асосий мақсади, тажовузкор ва консервативдан фарқли ўлароқ, ўртача қабул қилинадиган хавф даражаси билан барқарор ўртача даромад олишдир. Ушбу кредит сиёсатини амалга ошириш орқали банк ишончли қарз олувчиларга ҳам, чекланган миқдордаги юқори рискли қарз олувчиларга ҳам кредит бериши мумкин. Оқилона кредит сиёсати учун максимал хавф қиймати 7%, даромад эса 24,5% га етади.

## 4-жадвал


**ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Кредитлар, млрд. сўм	8634	20207	27293	29442	39898	43147	48075
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	414	633	1270	2108	3007	3747	4591
1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси, %	4,8	3,1	4,7	7,2	7,5	8,8	9,5

4-жадвал маълумотларидан кўринадиги, 2016-2022 йилларда ЎзСаноатқурилишбанк томонидан берилган кредитларнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, мазкур даврда кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.

4-жадвал маълумотларидан кўринадиги, ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг даромадлилик даражаси таҳлил қилинган давр мобайнида нобарқарор бўлган.

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан ЎзСаноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.



**3-расм. Акциядорлик-тижорат “Асакабанк”да 1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси ва кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси, фоизда<sup>1</sup>**

3-расмда келтирилган маълумотлар кўрсатадики, Асакабанкда 1 сўмлик кредитнинг даромадлилик даражаси 2021 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда пасайган. Бу эса, банкнинг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

3-расм маълумотларидан кўринадики, 2019-2021 йилларда Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси унинг меъерий даражасидан юқори бўлган. Бу эса, банкнинг кредит портфелини сифатини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

**5-жадвал**

**ТИФ Миллий банки ресурс базасининг таркиби ва динамикаси<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
Муддатли депозитлар, млрд. сўм	3 287	6 515	1 089	10 227	11 696	3,6 марта
Бошқа банклардан олинган маблағлар, млрд. сўм	37 792	35 307	42 420	43 563	43 297	114,6 %
Регулятив капитал, млрд.сўм	5 722	13 141	13 873	14 768	16 377	2,9 марта

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банкида муддатли депозитлар миқдори 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур даврда регулятив капиталнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. 5-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банкида бошқа банклардан олинган маблағлар миқдори 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан АТ “Асакабанк”нинг Баланс ҳисоботлари ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Жадвал муаллиф томонидан [www.pbu.uz](http://www.pbu.uz) сайти маълумотлари асосида тузилган.



### **Хулоса ва тавсиялар**

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

Базель-II стандартида тавсия этилган стандартлашган ёндашувга кўра, кредит олувчининг суверен кредит рейтинги қанчалик юқори бўлса, унга берилган кредитнинг риск даражаси шунчалик паст бўлади.

Дойчебанкда 2017-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси жула паст бўлган. Фақат, 2020 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2019 йилга нисбатан сезиларсиз даражада (0,2 ф.п.) ошган. Парибас банкда эса, 2017-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси жула паст ва барқарор бўлган. Бу эса, кредит рискини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2016-2022 йилларда ЎзСаноатқурилишбанк томонидан берилган кредитларнинг миқдори ва кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Асакабанкда 1 сўмлик кредитнинг даромадлилик даражаси 2021 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда пасайган. 2019-2021 йилларда эса, Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси унинг меъерий даражасидан юқори бўлган.

ТИФ Миллий банкнинг ресурс базасининг таҳлили кўрсатдики, муддатли депозитлар миқдори 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган; ушбу даврда регулятив капиталнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган; бошқа банклардан олинган маблағлар миқдори 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Фикримизча, тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискини баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг таркибини оптималлаштириш йўли билан кредитларнинг самарадорлигини таъминлаш учун, биринчидан, жалб қилинган ресурслар ва улар ҳисобидан молиялаштирилган активларнинг муддатлари ўртасидаги миқдорий мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, даромад келтирмайдиган кассали активлар суммаси трансакцион депозитларнинг барқарор бўлмаган қолдиғи суммасига тўлиқ мос келиши лозим; учинчидан, кредитларнинг ресурс манбаи сифтида барқарор пасивлардан ва трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан фойдаланиш керак.

2. Банкнинг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш орқали кредитларнинг барқарор ўсишини таъминлаш учун, биринчидан, муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори (камида 60%) ва барқарор бўлиши лозим; иккинчидан, банклараро кредитларнинг ресурслар ҳажмидаги салмоғи нисбатан паст (кўпи билан 20%) ва барқарор бўлиши керак; учинчидан, регулятив капитал суммасининг ўсмиш суръати билан рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.10.2021 й., 06/21/6325/0972-сон; 30.12.2021 й., 06/21/42/1224-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон; 27.04.2023 й., 06/23/62/0232-сон; 07.07.2023 й., 06/23/108/0460-сон.

2. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. - М.: КНОРУС, 2008. - 264 с.

3. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.
4. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – 194 с.
5. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: Вазар-Ферро, 1994. – 320 с.
6. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.
7. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларнинг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 43 б.
8. Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик рискинини бошқаришнинг долзарб масалалари. // Молия. – Тошкент, 2019. – № 4. 43 – 50 б.
9. Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлилик муаммоси хусусида. // Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2019. – № 3. 33 – 42 б.
10. Gadoev S.J. Topical issues of liquidity risk management at commercial banks//International Journal of Memejement, IT & Engineering. (ISSN: 2249-0558) Impact Factor: 7. 119, 2019. – Volume – 9, Issue – 9. – Pg. 73 – 77.
11. Гадоев С.Ж. Монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш амалиётининг назарий ва амалий жиҳатлари. // Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2017. – №5. 31 – 39 б.
12. Гадоев С.Ж. Тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелининг сифатини таъминлаш йўллари. // Молия. – Тошкент, 2021. – № 4. 57 – 64 б.
13. Гадоев С.Ж. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашнинг долзарб масалалари. // Молия. – Тошкент, 2021. – № 6. 89 – 98 б.
14. Гадоев С.Ж., Жумазода А. Тижорат банклари миқдорларининг кредит тўловига лаёқатлигини баҳолашни такомиллаштириш. // Логистика ва иқтисодиёт. Тошкент, 2022. – № 2. 58 – 65 б.
15. Gadoev S.J., Jumazoda A. Improving credit efficiency assessment of commercial banks' customers. // Thematics journal of business management (ISSN 2277-3002) Impact Factor: 7.25, 2022. – Volume – 5, Issue – 1. Pg. 18 – 24.